



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2024 yil « 18 » январь

№ ПФ-16

### Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматлари сифатини яхшилаш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартибини белгилаш;

Бош вазир ўринбосарларининг Кадастр агентлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вазифаларини белгилаш;

кадастр, геодезия ва картография соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2024 йил 18 январдаги ПФ–16-сон Фармони  
илова

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6061-сон Фармонида:**

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Белгилансинки, Кадастр агентлиги фаолиятининг ер ҳисобини юритиш, мазкур соҳада вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан фаол ишлаш бўйича йўналишлари Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов, молиявий фаолияти Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров томонидан мувофиқлаштирилади”;

б) 5-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Миллий геоахборот тизими)” сўзлари “Кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизимида (UZKAD)” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-бандда:

учинчи хатбошидаги “Миллий геоахборот тизимида” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Миллий геоахборот тизими)” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан “, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари” сўзлари чиқариб ташлансин.

**2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6243-сон Фармонининг 10-бандида:**

биринчи – тўртинчи хатбошилардан “Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги “ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш” сўзлари “ер майдонини қайтариш ва/ёки унда ноқонуний қурилган иморатларни бузиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

**3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–76-сон Фармониغا 5-илованинг 42-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“ 42.	<p>“Рақамли ҳудуд” дастури доирасида Рақамли ривожланиш департаменти сўровига асосан қуйидаги маълумотларнинг долзарблигини таъминлаган ҳолда мунтазам равишда қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этиб борилишини йўлга қўйиш:</p> <p>1) маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари чегаралари, кўчмас мулк объектлари, уларнинг ер участкалари чегараларининг рақамли хариталари;</p> <p>2) Давлат картография-геодезия фондида ва бошқа ташкилотларда сақланаётган аэросуратлар, космик суратлар ва улар асосида яратилган ортофотопланлар, шунингдек бошқа архив хариталар;</p> <p>3) Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлари.</p>	2023 йил августдан доимий	Кадастр агентлиги, Рақамли ривожланиш департаменти	–	“Рақамли ҳудуд” дастур и доирасида Рақамли ривожланиш департаменти актуал маълумотлар билан таъминланади
-------	---	---------------------------	--	---	--

”.

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4819-сон қарорида:**

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“а” кичик бандда:

учинчи хатбошидаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тошкент геодезия ва картография коллежи негизида – Тошкент геодезия ва картография техникуми”;

б) 4-банднинг тўртинчи – еттинчи хатбошилари қўйидаги мазмундаги тўртинчи – бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Кадастр агентлигининг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан тушган маблағларнинг 10 фоизи;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар”;

в) 5-банднинг иккинчи – еттинчи хатбошилари қўйидаги таърирда баён этилсин:

“Кадастр агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Кадастр агентлиги директори бошчилик қилади;

Кадастр агентлиги директорининг ўринбосарлари иқтисодиёт ва молия вазири тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари иқтисодиёт ва молия вазири билан келишилган ҳолда Кадастр агентлиги директорининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Давлат кадастрлари палатаси раиси ва унинг ўринбосарлари иқтисодиёт ва молия вазири билан келишилган ҳолда, Кадастр агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, Давлат кадастрлари

палатаси ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиаллари бошлиқлари, Кадастр агентлиги тизимидаги бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари (“Республика аэрогеодезия маркази” ДК, “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК, Давлат картография-геодезия фонди, “Картография” давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси, Тошкент геодезия ва картография техникуми), шунингдек, уларнинг коррупцияга қарши курашиш бўлинмалари ходимлари Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Давлат кадастрлари палатаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрини, давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритади;

Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказида;”.

**5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022–2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–357-сон қарорида:**

а) 11-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 августдаги “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 529-сон қарорида” сўзлари “тегишлича Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 186-сон, 2021 йил 19 августдаги “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 529-сон ҳамда 2022 йил 18 октябрдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айрим маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон қарорларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

номланишидаги “2022–2023 йилларда” сўзлари “2022–2024 йилларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-позициянинг “Муддати” устунидаги “2023 йил апрель” ҳамда “2023 йил июнь” сўзлари тегишлича “2024 йил апрель” ҳамда “2024 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин.

**6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–405-сон қарорида:**

а) номланиши, муқаддима, 3 ва 4-бандлар, 1 ва 3-иловалардаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

“2023 йил 1 январдан” сўзлари “2026 йил 1 январдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳуқуқлари кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилмаган давлат кўчмас мулк объектларини сақлаш харажатлари Давлат бюджети ҳамда вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан молиялаштирилмайди”;

в) 5-илова қўйидаги мазмундаги 9–11-позициялар билан тўлдирилсин:

“

9.	<p>Географик объектларга ном бериш тартибини янада такомиллаштириш.</p>	<p>Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) филиалларида географик объектларга ном бериш соҳасида кадастр органларига юклатилган вазифаларни бажарадиган ходимларнинг иш ҳақи харажатларини Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини ижара ва мулк ҳуқуқи асосида сотишдан тушган маблағларнинг Давлат кадастрлари палатасига йўналтириладиган қисми (“Yerelektron” ААТни техник қўллаб-қувватлаш ва уни юритиш билан боғлиқ штат бирликларини сақлаш учун) ҳисобидан молиялаштириш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2024 йилдан бошлаб</p>	<p>Кадастр агентлиги</p>
10.	<p>Кадастр соҳасида олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнлари ва ишлаб чиқаришдаги узвийликни таъминлаш мақсадида Кадастр агентлигининг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотларда тегишлича олий таълим муассасалари кафедраларининг амалиёт филиалларини очиш.</p>	<p>1. Кадастр агентлигининг ташкилий тузилмасига кирувчи қўйидаги ташкилотларда тегишлича олий таълим муассасалари кафедраларининг амалиёт филиалларини очиш:  а) “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети кафедраси филиалини – Республика аэрогеодезия марказида;  б) Ўзбекистон миллий университети кафедраси филиалини – Давлат кадастрлари палатасида;  в) Тошкент давлат техника университети кафедраси филиалини – Давлат кадастрлари палатасининг Тошкент шаҳар бошқармасида;  г) Термиз муҳандислик-технология институти кафедраси филиалини – Республика аэрогеодезия марказининг Сурхондарё ҳудудлараро бўлинмасида;</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2024 йил март</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Кадастр агентлиги</p>

		<p>д) Гулистон давлат университети кафедраси филиалини – Давлат кадастрлари палатасининг Сирдарё вилояти бошқармасида;</p> <p>е) Қорақалпоқ давлат университети кафедраси филиалини – Республика аэрогеодезия марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасида;</p> <p>ж) Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти кафедраси филиалини – Давлат кадастрлари палатасининг Қашқадарё вилояти бошқармасида;</p> <p>з) Фарғона политехника институти кафедраси филиалини – Республика аэрогеодезия марказининг Фарғона ҳудудлараро бўлинмасида;</p> <p>и) Урганч давлат университети кафедраси филиалини – Республика аэрогеодезия марказининг Хоразм ҳудудлараро бўлинмасида;</p> <p>к) Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети кафедраси филиалини – Республика аэрогеодезия марказининг Самарқанд ҳудудлараро бўлинмасида.</p> <p>2. Кафедралар амалиёт филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан ўлчаш воситалари, техника ва мебель билан жиҳозлаш.</p>			
11.	Кадастр соҳасида олий таълим муассасалари ва Кадастр агентлигининг тизим ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Олий таълим ва ишлаб чиқаришдаги узвийликни таъминлаш мақсадида Агентликнинг ҳудудий тузилмаларида тегишлича олий таълим муассасалари кафедраларининг амалиёт филиалларини очиш ишларини амалга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил май	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Кадастр агентлиги
			Ҳамкорлик шартномалари	2024 йил март	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Кадастр агентлиги

